

ТОШКЕНТ ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 199 (6. 390)

1987 йил 2 сентябрь, чоршанба

Баҳоси 3 тийин



Тежалгани нақд фойда

Айни кунларда агрегат заводининг ишчи коллективини Ҳуш Оқтабрийнинг 70 йиллик юбилейини меҳнатда муносиб натижалар билан қутиб олиш учун барча зарур чораларни кўрмоқда.

Юбилей шарафига бошланган меҳнат беллашувда корхона 1-дехи коллективини айниқса салмоқли натижаларга эришляпти.

Пешқадим бўлишга ишчиларни қишлоқ хўжалиги техникалари учун зарур деталлар тайёрлайдилар ва уларга сайқал беришда муҳим ишларни амалга оширишди. Улар йилнинг сависси ойлик план топшириқларини муваффақият билан адо этишди. Ҳамма қишлоқда бир неча минг сўмлик ва б.ш. билан биргаликда тежамкорлик соҳасида ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. А. Сайдуллаев, Б. Теша-Сова, Э. Бартош, Қ. Қариевнинг моҳир ишчилар тежамкорлик ҳаракатининг фаол қатнашчилари сифатида тилга тушилади. Уларнинг самаралар меҳнатлари эвазига ҳафта оялга бир ярим тоннага яқин металл ишқисди қилиб қолмоқда. Утган ойнар мобайнида тежаб қолганига умумий металлнинг ҳажми етти тоннадан ортиб кетди.

У. МУҲАМЕДОВ.

Кўргазма мукофоти совриндори

«Энг яхши ижодий бригада», «Энг яхши ижодий хизмат», «Қорхонанинг энг яхши рационализатори» — ана шу муносиб номларни олиш учун Сергелидаги авиация корхонаси рационализаторлари ўртасида социалистик муСОБАҚА кенг йўлга қўйилган. Техника ижодкорлигига алоҳида аҳамият берилиши тўғрисида қорхона буйича кейинги икки йил ичида 750 дан ортиқ турли рационализаторлик таклифлари тушди.

Қорхонанинг А. Романчук, Ш. Пулатов, Н. Волков каби актив рационализаторларининг ижодий изланишлари тўғрисида кўпгина жараёнлар тақомиллаштириб, кўпгина иқтисодий фойда кўрилди.

Катта инженер А. Иванов томонидан эса 40 дан ортиқ оригинал таклиф илгари сурилди. Булар ишлаб чиқаришга жорий этилиб, қорхонага 200 минг сўмлик иқтисодий фойда келтирди. Унинг иштирокида марказий заправка станциясига технология ўзгаришлар киритилди.

Бу фидойи инженер самарали ижодий изланишлари учун утган йили СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасининг мукофоти совриндори бўлган эди.

Шинам боғча

Юбилей йилининг ўтган ойлари давомида «Глав-ташкентстройга» қарашли 159-трестнинг 22-қурилиш бошқармаси бинокорлари бир неча зарбдор объектларни қўлдан чиқардилар.

Шаҳримизнинг Саёёрлар кўчасида қад кўтарган икки қаватли бино ҳам жазонинг ўғил-қизлар ихтиёрига берилди. Бу янги боғча ишга туширилган 160 кичиктоянги ўз бағрига олади.

Айни кунларда қурилиш объектда пардозлаш ишлари жадал суратларда олиб боришмоқда. Уни амалга оширишда 2-Одтестрой трестининг моҳир пардозловчилари бошқарма бинокорларига яқиндан ёрдам бермоқдалар. А. АЛИЕВ.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюросида

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюросининг навбатдаги мажлисида коммунистлар аттестациясини ўтказиш юзасидан Октябрь район партия комитети олиб бораётган ишлар ҳақидаги масала қараб чиқилди.

Бюро мажлисида таъкидланганидек, Октябрь район партия комитети, райондаги бошланғич партия ташкилотлари партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитети январь ва июнь (1987 йил) Пленумлари қўрсатмаларини, КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш» босқисига Тошкент шаҳар партия ташкилотининг ишдаги жиддий камчиликлар тўғрисида қабул қилган қарорини ба-жара бориб, партия ташкилотларининг соғломлаштириш, пасивликка барҳам бериш, коммунистларнинг айрим қисми онгида ҳўкм суратган лоқайлиқнинг барта-ғат этиш, уларнинг авангардлик ролини таъминлаш босқисига бир мунча тадбирларни амалга оширишди.

Бу вазифаларни бажаришда коммунистларни аттестациядан ўтказиш муҳим восита ҳисобланиб, у ҳозирги пайтда райондаги 18 та бошланғич партия ташкилотидида амалга оширилмоқда. Мазкур ташкилотларга 1576 коммунист бйрлашган. 42 та партия ташкилотидида тайёр-гарлик ишлари олиб бори-ляпти, аттестация комиссиялари тузилмоқда ва уларнинг аъзолари ўқитилмоқда.

Гидрометеорология техникуми, «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари коммунистлар аттестацияси-га зўр масъулият билан ён-дошдилар. Бу коллективлар-да аттестация комиссия-ри, бошланғич партия таш-килотлари коммунистлар фаолиятига зўр талабчанлик билан, эггаллаб турган ла-возида қатъий назар жид-дий баҳо бермоқдалар. Ма-салан, гидрометеорология техникумида директор ва унинг икки ўринбосари (ҳар учтаси ҳам КПСС аъзоси) аттестациядан шартли ра-вишда ўтказишди. Бош-ланғич партия ташкилот-ини йилишда эса уларга жиддий партиявий чора кў-рилди.

Шу билан бирга район партия комитети, бошлан-ғич партия ташкилотлари-нинг бу йўналишдаги иш-лари КПСС Марказий Коми-тети талабларига тўласинча жа-воб бермайдн, партия ташкилотларини соғломлаш-тиришда, коммунистларнинг авангардлик ролини оши-ришда, партия бағрларини тасодифий кишилардан то-залашда аттестациядан ўт-казиш имкониятларидан етарли фойдаланишди.

Райондаги кўпгина бош-ланғич партия ташкиотла-рида аттестация комиссия-ларининг аъзолари комму-нистларнинг ишчанлик, сиё-сий ва ахлоқий сифатлари-ни, оилада ва турмушда ўз-ларини қандай тутишларини олдиндан ўрганаётдилар, аттестация асосан комис-сияга тақдим этилган, кўп ҳолларда шошма-шошарлик билан ёзилган, коммунист хусусида тўла-тўқис маълумот бермайдиган, баъзан унинг фақат ишлаб чиқа-

ришдаги фаолияти акс эт-тирилган характеристикалар асосида ўтказилмоқда.

Аттестация комиссия-ларининг аъзолари ҳамма ҳам коммунистлар ишига, юриш-туришига, хатти-ҳаракати-га принципал ёндашмайдилар. Бунинг оқибатида «Сред-непроектмет» ишлаб чи-қариш бирлашмаси, 35-по-ли-линка партия ташкилотла-рида коммунистларнинг му-таносиб равишда 86 ва 100 проценти аттестациядан «му-ваффақиятли» ўтишди. Ле-кин улар орасида ишда кам-чиликка йўл қўйганлар, фаол ҳаётини позицияда тур-маганлар ҳам бор.

Барча партия ташкилот-ларида аттестациялаш жид-дий ётирозларга лойик ко-мунистлардан бошланма-ётир. 106 коммунистдан фа-қат 9 нафари аттестациядан ўтказилмаган, 37 нафари шартли равишда аттестаци-дан ўтказилган.

Айрим партия ташкилот-лари аттестациядан ўтолма-ган ёки шартли равишда ўт-ган коммунистлар ишини партия йиғилишларида кў-ришни чўзиб юбормоқдалар. Бундай муҳомамадан аттес-тациядан сўнг бор-ўйи 36 коммунист ўтказилди, шу-лардан 15 нафари партия-вий жа-во берди, 3 нафари КПСС сафидан ўчирилди.

Районнинг иқтисодий ва со-циал тараққиётини жадал-лаштириш билан боғлиқ му-ҳим жабҳаларда аттестация имкониятларидан, партиявий таъсир чораларидан етарли фойдаланишди. Ишлаб чиқаришнинг бир меъёри-да ишламаслиги, санаят кор-хоналарида шартнома-буй-йча маҳсулот етказиб бе-риш плавларининг бажари-маслиги ҳамон учрайти, қатор қурилиш ташкилотла-рида пудрат ишлари топиш-риқлари адо этилмаётир, савдо корхоналари ишига нисбатан кўп ўтирозлар белдирилмоқда. Шунга қара-садан қолқоқ корхоналари-нинг бошланғич партия таш-килотларида коммунистлар аттестациясини сустишлик билан ўтказилмоқда.

Шаҳар партия комитети бюроси Октябрь район пар-тия комитетининг комму-нистлар аттестациясини ўт-казиш соҳасидаги иш етар-ли эмаслигини таъкидлаган ҳолда район партия комите-тидан бу ишни тубдан ях-шилаш, кўрсатиб ўтилган камчиликларни барта-раф қилишни талаб этди. Шу масала юзасидан қабул қи-лингн қарорда партия таш-килотларини соғломлашти-риш, уларнинг жанговарли-гини ошириш, коммунист-ларнинг авангардлик ролини кучайтириш соҳасидаги фа-олияти қайта қуриш зару-ри-лиги ўқидилди.

Бюро худди ана шундай нуқсонлар бошқа партия ташкилотларида ҳам рўй бераётганигини таъкидлаб, район партия комитетларига бу ишни активлаштиришга доир конкрет тадбирлар кў-рилиши, коммунистлар аттес-тациясига аниқ йўналиш, жиддий тус бахш этишни топширди.

Бюро ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кура-шни кучайтириш юзасидан аввал қабул қилинган қа-рорларнинг қандай бажари-лаётганигини ҳамда бу ишни активлаштириш тад-бирлари тўғрисидаги маса-лалар муҳокама этди.

Бюро мажлисида қай-д этилганидек, бу йўналишда ўтказилган, меҳнат коллек-тивлари ва аҳоли томони-дан қўллаб-қуватланган иш-лар маънавий муҳитини со-ғломлаштириш, меҳнат инти-зоми, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Шу билан бирга соғлом турмуш тарзини қарор то-пириш буйича туб бурилиш-га эришилгани йўқ. Партия ва совет органлари жамоат ташкилотлари ичкиликбоз-ликка қарши кураш учун кенг фронт очилмаган. Кўп-гина ташкилотларда таъқи-лаш чораларидан нари ўтил-маётир. Ноўрин хотиржа-м-ланни ҳоллари кўзга таш-ланмоқда, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши қонун-чиликни бузаётганларга нис-батан мурасасизлик кўрса-тилмапти. 1987 йилининг биринчи ярмида ичкиликбоз-лик тўғрисида содир этилган жиноятлар сови ошди. Авто-транспортни маст ҳолда бош-қариш ҳоллари камай-ма-ётир. 1986 йилда ва 1987 йилининг биринчи ярмида ма-халлий савдо тармоқларида қан-дашқар содир этиш ҳажми кўпайди, бироқ партия, со-вет органлари бундай ҳолат-ни самонгапалликнинг ўси-ши билан боғламаётдилар, ана шундай ишга берилган шахсларга нисбатан муро-са-сиз кураш олиб борилмади.

Ўтказилмаётган тадбир-ларда ичкиликбозлик тур-мушининг ичига, оилага, ёто-хоналарга сиғиб кетаёт-ганлиги ҳисоба олинмаётир. Буларнинг ҳаммаси ша-ҳардаги партия комитетлари, халқ депутатлари шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари, ҳўжалик орган-лари, жамоат ташкилотлари ичкиликбозликнинг пайини батамом қирқиб ташлашда ҳуқуқий, иқтисодий, инти-мо-ий ҳамда тарбиявий тадбир-ларни самарали тарзда кў-риш олиб бормаётганликла-ридан далолат беради.

Алкоголизм ичимликлар со-тиш сўст ўсмоқда. Уларни ишлаб чиқариш суръатлари ви-но-арақ тайёрлашни қис-қартириш суръатларидан о-риқда қолмоқда.

Маданий-оқартув муас-сасалари, спорт-соғломлаш-тириш иншоотларидан умум-ий фойдаланиш, уларнинг моддий базасини мустаҳкам-лаш ҳақида етарли ғамхўр-лик қилинмапти.

Алкоголизмга қарши тар-биябот бўшатириб юборил-моқда, партия ташкилотлари бу ишнинг аҳоли учун со-вет, касаб-а союз, комсомол органларидан, «Билим» жа-мияти ташкилотларидан масъ-улият талаб қилмаётдилар. Кейинги пайтларда шаҳар ва кўп нуsxали газеталарда бу ҳақдаги материаллар оза-йиқ қолди.

Хўшрлик учун кураш қўнгилли жамяти шаҳар ташкилот-и унинг жойларда-ги органлари фаолиятида активлик, ҳўжумкорлик се-зилмапти, мазкур жамят-нинг бошланғич ташкилот-ларини шакллантириш чўзи-либ кетди, улар ҳозиргача коллективларнинг 42 про-центида вужудга келтирил-ган, холос. Ленин, Октябрь, Фрунзе районларида бош-ланғич ташкилотларни ту-зиш асоссиз равишда пай-салга солинмоқда. Электрон-техника заводи, «Ташпо-р-швейбт» ишлаб чиқариш

бирлашмаси, Тошкент Дав-лат консерваторияси, те-атр ва рассомлик санъ-ати институти, «Фан» наشريёти ҳўзуридаги бош-ланғич ташкилотлар фа-олиятсизлик кўрсатишмоқда. Шаҳар комсомол ко-митети, кўпгина рай-он комсомол комитетла-ри, бошланғич партия таш-килотлари хўшрлик учун кураш қўнгилли жамяти бошланғич ташкилотларини тузишда фаол қатнашма-ётдилар, шаҳарда тузилган қўнгилли жамят аъзолари-нинг атиги 16 процентини ёшлар ташкил этишди.

Шаҳардаги 2-автопаркда, чинни, «Ташхиссельмаш» заводларида, Сергелидаги ме-бель ишлаб чиқариш бир-лашмасида, Ҳамза район озиқ-овқат савдоси идорасида алкоголизмга қарши қонун-чиликка риоя этиш яхши тилмапти. 1987 йилининг биринчи ярмида ичкиликбоз-лик қарши кураш юза-сидан тузилган комиссиялар қоникарсиз ишлamoқда. «Таштест-тильмаш» заводларида, 1-пайфал фабрикасида, 1-уисозлик комбинатида, 7-таксопаркда мазкур коллек-тивларда медицина хўшр-хонасига тушганлар ҳақида-ги хабарларга қорхоналар-нинг раҳбарлари ўз вақтида эътибор бермаётдилар. Маст ҳолда қўлга тушганларнинг ҳар бешовидан биринига меҳнат коллективларида му-ҳокама қилинмоқда.


Бу ва бошқа далиллар кўпгина партия ташкилотла-ри ҳамда меҳнат коллектив-ларида алкоголизмга қарши қонунчилик ҳолларининг бузилишига нисбатан муро-са-сизлик муҳити вужудга келтирилмаганидан далолат беради. 1987 йилда меди-цина хўшрхонасига келтирил-ган КПСС аъзолари сови ошди.

Шаҳар партия комитети бюроси район партия коми-тетлари, халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетлари, шаҳар комсо-мол комитети, хўшрлик учун кураш қўнгилли жа-мяти шаҳар кенгаши эъти-борини ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш юзасидан олиб борилаётган ишлар етарли эмаслигини қаратиб, бу соҳаддаги камчи-ликларни барта-раф этиш-нинг шўшланиш чораларини кўриш, хўшр турмуш тарзи учун курашни системала-ришда, ҳўжумкорлик би-лан уюштириш, бу ишдаги бе-парволикка, хотиржа-ликка барҳам бериш зару-ринлигини ўқиди. Шу маса-ла юзасидан қабул қилин-ган қарорда бу ишни тубдан яхшилашга доир конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди.

Бюро «Тошкент оқшони» газетасининг 1987 йил 3 июнь сонидида бошлан «Ҳўйи ёки омонат қассами» сарлав-ҳали мақола юзасидан ўтказ-илган текшириш якунлари-ни қараб чиқди. Қабул қи-лингн қарорда уй-жой фон-дидадан нотўғри фойдаланиш ҳолларига барҳам бериш, бу ишда қатъий тартиб ўр-натишга қаратилган конкрет тадбирлар белгиланди.

Шаҳар партия комитети бюроси мажлисида партия-вий ишнинг, шаҳар иқтисо-дий ва социал ҳаётнинг бош-қа айрим масалалари ҳам муҳокама этилди.

Замондошимиз



Одамларга бахт улашиб

— АВАЛ САВДОДА ИШЛАГАН ЭКАНСИЗ. БИРДАНИГА ҚУРУВЧИ БУЛИБ ҚОЛГАНИН-ГИЗНИНГ САБАБИ НИМАДА!

— Армиядан қайтганимдан кейин Киров район озиқ-овқат савдоси бўлимида ишладим. Ростини айтганда ўз касбимдан қўнгилли тўл-масди. Бир кун ишга ёзиб, ишдан бўшадим ва 1-уйсозлик комбинатининг 2-қурилиш-мон-таж бошқармасига бордим. «Ҳозир бетончи-лар етишмаяпти. Ҳоҳласангиз кингир. Қийна-либ қоламан десангиз, мажбур қилмаймиз» дейишди.

Қадрлар бўлимидан ташқарига чиқиб ўти-рдим. Устига ҳар хил қурилиш материаллари ортлган машиналар ўтарди. Нарироқда эса одамлар терлаб-пишиб бетон қоришарди. Бирдан ҳаёлимга «Улар бу ишни ким учун қи-лишяптики» деган савол келиб қолди. Ўз-ўзи-дан қалбимнинг тўридан «Одамлар учун!» де-ган жавоб отилиб чиқди. Шартта ўрнимдан туриб қадрлар бўлимига қайтиб кирдим. Ро-зилигини айтдим.

— УРГАНМАГАН ОДАМГА ҚУРИЛИШДА ИШЛАШ ОСОН БУЛМАЙДИ. ҚИЯНАЛГАН-ДИРСИЗ!

— Қийналдим. Топшириқни бажаролмай ше-риқларимни уялтириб қўйган вақтлар ҳам бўлди. Лекин улар менга қандайдир меҳр би-лан қарашарди. Яхши қурувчи бўлишимни иштарарди. Ана шу бегараз муносабат мени

лол қолдирди. Каттадан ҳам, кичикдан ҳам сўрашга, ўрганишга ййманмадим. Кўп ўтмай бири акам, бири укам бўлиб қолди. Мақса-димиз ҳам бир — одамларга хўшбичим ва шинам уйлар тақдим қилиш. Ана шу нарсани эсланганимда ҳаммаша дилдан қувонаман. Жўда ҳориган пайтларимда ҳам уйимга қал-бим тўла қувонч билан кириб бораман. Фар-зандларим қувонч билан, адаллар келдилар, деб чопиб келиб елкамдан қучганлариди уларнинг қўлоқларига шивирлаб, яна битта уй қурдик, деб қўйман. Тўғри, улар бу гаплар-нинг мазмунини тушунамаслиги мумкин. Ле-кин вақт ўтиши билан кичикинтойларим ҳам одамларга бахт улашадиган кишилар бўлиши-ни инти қилиб шу гапни такрорлавераман. Ўзим бахтлиман. Одамларга севинч, бахт ула-шавганим учун ҳаммаша бошимни ғоз кўта-риб юраман.

2-монтаж бошқармасининг бетончиси Мир-қаҳор Абзаловнинг одамлар учун бошлан-кураётганига эндигина уч йил бўлди. Инти-лининг зўрлиги тўғрисида қанчалик, опера-торлик касбларини ҳам ўрганиб олди. Ҳозир-ги нияти Октябрь социалистик революцияси-нинг 70 йиллик байрамини муносиб тўхфа би-лан қутиб олиш. Шунинг учун жадал ва си-фатли меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: Мирқаҳор Абзалов.

Т. Каримов фотоси.

Билимлар қуни—тинчлик қуни

Миллион-миллион совет ки-шилари биринчи сентябрда ажойиб байрам — Билимлар кунини нишонладилар. Шу ку-ни янги авлод билим чўққили-рини эггаллаш учун ўз йўлини бошлайди, тинчлик тақдирини учун бўлган масъулиятга қў-шляди.

Республика мактабларининг ўқувчилари ва ҳўнар-техника билим юртларининг талаба-лари ўз дафтарларига ва дис-плей экранларига: «Жаҳонга — тинчлик!» деган сўзларни ёзишди. Мамлакатимиз мак-табларидаги билим байрами тинчлик дарсидан бошлангани-да чўқур маъно бор.

Янги ўқув йилида Ўзбеки-стон шаҳар ва қишлоқларининг мактабларида 4 миллион 500 мингдан кўпроқ ўқувчи келди. Ун минглаб олти ёшли бола-лар қўлларига биринчи бор алфбей олди. Ҳўнар-техника билим юртларининг 300 минг-дан кўпроқ ўқувчиси парта-ларга ўтириб, 240 касб-кор сирларини ўргана бошладилар. Ярим миллиондан кўпроқ йи-гим ва қиз олий ўқув юртлари ҳамда техникумларнинг дарс-хоналарини тўлдирди.

Партия ва меҳнат ветеран-лари, халқ депутатлари, олим-лар, меҳнат коллективлари-

нинг ва жамоат ташкилотла-рининг намоёндалари мактаб ўқувчиларини, ҳўнар-техника билим юртларининг талаба-ларини ва студентларини янги ўқув йили бошланганлиги би-лан табриқладилар.

Бу йилги Билимлар кунининг ўзига хос хусусиятлари бор. Республикадаги мактаб ис-лохотини амалга оширишдаги камчиликларни тугатиш юза-сидан қатъий чоралар кўри-лмоқда. Маориф, меҳнат тар-бияси, ёшларнинг ҳар томон-лама камол топиши масала-ларини ҳал этишга янги ижо-дий ёндашулар намоён бўл-ди. Сира кечиктирмай ҳал этиш зарур бўлган муаммолар орасида ўқувчилар ва студент-ларнинг таълим-тарбияси са-вийасини ошириш масаласи бор.

Ўзбекистон шаҳар ва қи-лоқларида Билимлар кунинида янги мактаблар, бошқа ўқув юртлари тантанали вази-ятда очилди. Тошкент шаҳрининг Чинлозор районида 1250 ўринга мўлжалланган Г. Димитров номли 202-янги мактаб ўқувчиларни қабул қилди. Бу ерда ўқш учун ҳамма ша-роитлар яратилган. Мактабда 33 та синфхона, лингфон-кабинетлари, мактаб устхона-лари, 250 ўринли ошхона,

катта зал ва иккита спорт зали, ёзги спорт комплекси, теплица бор. Янги мактабда 6 ёшли болалар ҳам ўқийди. Улардан иккита группа тузи-лди.

Ана шу мактабни очишга бағишланган тантаналарда Ўз-бекистон Компартияси Марка-зий Комитетининг иккинчи сек-ретари В. П. Анишев қатнаш-ди.

Республика пойтахтида шу кунни ана шундай мактаблар-дан олтиста ўқувчиларни би-ринчи марта ўз бағрига олди. Бу мактабларни очишга бағиш-ланган тантаналарда Ўзбеки-стон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Х. Холмухамедов, Тошкент об-ласт партия комитетининг би-ринчи секретари Т. А. Алимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. В. Сударенков қатнашди-лар.

Тошкент Олий партия мак-табиди Билимлар кунини янги ўқув йили бошланганлиги ба-ғишланган тантаналарда Ўзбе-кистон Компартияси Марка-зий Комитети Ташкилий-пар-тиявий ишлар бўлимининг му-дир П. В. Догонкин қатнаш-ди.

(ЎзТАҒ).

Ягона қардошлик оиласида КУЙЛАЙМАН ШАҲНИНГНИ ЭЙ, ОНА-ВАТАН, КУЙЛАЙМАН СЕНИ МЕН ҲУР РЕСПУБЛИКАМ!



Грузия Совет Социалистик Республикаси



Асрлардан бўён шоирлар каломида улуғланиб кели-наётган Грузия ўзининг пу-рувқор тоғлари, сўлим боғларини шиддатли дарёла-ри билан машҳур. Унинг санъати, маданияти, ёзма ме-роси минг йиллик чинор-ларнинг томилари янглиғ бақувват, мустаҳкам, Гуржи

лаҳзаси қадимий қўшиқ-нинг пайдор сатрларини эс-латади. Ўз ёзма адабиёти, ўз алифбосига эга грузин халқи қардош республика-лар шохсидида инсонпарвар-лик, меҳр-муҳаббат, дўст-лик, биродарлик туйғуларини амалда ифодалаб, исбот-лаб келмоқда. Бу ерда тур-

ли миллат вакиллари исти-қомат қиладилар. Бу юрта таширф буюр-ган меҳмон ўзининг меҳмон-лигини унутадилар. Жаҳонга Важа Пшавела, Шота Рус-тавели, Давид Гурамшвили сингари азамат шоирларни беради ва халқнинг қўнгли ҳам дастурхон каби очил-

Ҳозирги кунда грузин халқи партиянинг жамяти-мизда покданиш даврини бошлаб берган қайта қу-риш, ошқоралик сиёсатини амалга ошириш учун бор заҳмат, меҳнатини аямал, иттифодшор республикалар қаторида истиқбол сари одимламоқда. Бу истиқбол-нинг манглайи нурдан, зиё-дан. Шунинг учун Грузия ССРнинг пойтахти Тбилиси шаҳрининг тунлари чароғон, гўё одамларнинг қўнгли нур сочаётгандек...

(Грузия ССРнинг бугуни ва келажаги, бу республикада амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги материалларни, шу-нингдек ўзбек шоирларининг илҳом тўққан дурдона сатр-ларини газетамизнинг 2-бетиди ўқийсиз).



Қура дарёсининг тик соҳилида, кўхна Метех қасри яқинида Тбилиси шаҳри асосчиси Вахтанг Горгасаланинг ҳайкали қад кўтариб турилди. С. Эдигерашвили фотоси. ТАСС фотохроникаси.



КУЙЛАЙМАН ШАЪНИНГНИ ЭЙ, ОНА-ВАТАН, КУЙЛАЙМАН СЕНИ МЕН ХУР РЕСПУБЛИКАМ!

Грузия Совет Социалистик Республикаси



Кавказдаги республикалар сўзласига кирувчи Грузия ССР бошқа ўлкалардан нимаси билан фарқ қилади? Бир сўз билан жавоб бериш мумкин. Унинг тақрирланмас табиятини айтасизми, халқ гуруридаги кўрак кертган тоғлари ёки турна кўзи булоқларини айтасизми? Қалби саховату меҳр нури билан йўғрилган оққўнли инсонларини айтасизми? Худлас, айтсак атар ҳасилу фахрларлар, ўзига хос урф-одатлари ажойиб таомиллар кўп бу халқда. Энг муҳими барлик гоёси, қардошлиқ туйғуси. Пушкин, Лермонтов сингари улғу зотларнинг назари тушган, илҳомига қанот бахш этган бу юртининг одамлари ҳам барча инсонлар қатори меҳнат қилишни яхши кўради.

Улғу Октябрь социалистик революциясидан сўнг ўтган 70 йил давомида бу ўлкада ҳам заворлор ўзгаришлар, бунёдкорликлар рўй берди. 1921 йилнинг 25 февралидан кейин, бундан 65 йил олдин дохил В. И. Лениннинг ташаббуси билан навқирон Совет Россиясининг қардошлиқ ёрдамида ГОЭЛРО планининг дастлабки нуҳоналаридан бири — Земо-Авчал ГЭСи қурилишининг бошланғичи Грузия ССР экономикасининг тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Бу ўша давр мезонлари билан ўлчанганда жуда катта воқеа эди. Ҳозирги кунда эса ана шу «ветеран» ГЭС бераётган энергия Тбилисдаги телевизорларни ишлатиш учун зўра етади. Айни пайтда Ингури дарёсидан йиринк энергетика гиганти ишлаб турибди. Яна қатор-қатор ГЭСлар қурилмақда. Энергетика ривож туйғайди. Грузияда мамлакатимиздаги магистрал электростанциянинг анча қисми тайёрланмақда, марганец радиусининг учдан бир қисми қазиб чиқарилмақда.

Республикада айни пайтда қишлоқ хўжалиги, фан ва техникани ривожлантириш, маданиятни юксалтириш ишлари ҳам кенг майдонда олиб борилмақда. Хўжалик ҳисобида ишловчи Территориал — Тармоқлараро Бирлашма (ТТБ) тажрибаси бутун мамлакатда маълум. Ҳозир республикада 17 та ана шундай бирлашма мавжуд бўлиб, улар жойлардаги кўп проблемаларни комплекс ҳал этишга имкон беришда.

Грузияликлар қардош республикаларга яхши кунда ҳам, оғир кунда ҳам мададор. Грузиянинг 300 мингдан зиёд йигит ва қизлари Улғу Ватан уруши йилларида кўрсатган жасоратлари учун жанговар ордон ва медаллар билан тақдирланган. Қозогистон қўриқ ерларида республика вакилларининг «Грузин қўдқулар» деб аталган хайри ишлари ҳамон сақланиб келмақда. Тошкентнинг Чилонзор массивида элчиладан кейин Грузияликлар кўриб берган уйлар, БАМдаги уйлар ҳамон савлат тўкиб турибди. Черныбыл фожиясидан кейин Грузия ҳам украинликлардан ўз ёрдамини аямасди. Айни пайтда Грузияда бўлган тошқин, табиий офат кунларида бутун совет халқи, шу жумладан ўзбекистонликлар ҳам улғуларга мадад қўлларини қўядилар.

Грузия ССРнинг пойтахти Тбилис шаҳри ўзининг қадимий бинолари, меъморий тузиллиши, ўзига хос иморатлари билан иттифоқимиз пойтахтлари орасида алоҳида ажралдиб туради. Бу ерда улғу олий ўқув юртлири, университет, корхона ва маданият масканлари мавжуд.


Грузин адабиёти ва санъати ҳам ривожланган. Галактион Табидзе, Нодар Думбадзе, Анио Каладидзе, Шота Руставели, Отар Чхедозе, Никко Пироманишвили сингари шоир, ёзувчи ва рассомларнинг ижоди иттифоқимизда яхши таниш. Бу юрда улғу ўзбек ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорига ҳайкал ўрнатилган. Айни пайтда Тошкентнинг асосий кўчаларидан бири ҳам грузин адабиётининг классиги Шота Руставели номи билан аталади. Бу ҳам бир тисмол, қардошлиқнинг камтарини рамазидир. Бу қардошлиққа ҳеч қанча, ҳеч қачон путур етказолмайди, зеро бу туйғуларнинг томирлари ҳам қўнғилларга чўқур сингиб кетгандир.

Бир ёқадан бош чиқариб

«Улғим нақадер раҳмдил, қардош мамлакатда яшаётганлигимизни ҳаммага айт, бунга ҳамма билиб қўйсин». Бу сатрлар табиий офат чоғида бошпанасиз қолган Грузиядаги Сатчино қишлоғида яшовчи Жукуня Қарқашдазе деган аёлнинг газеталардан берибга ёзган хатидан олинди. Аёл кулфат йўлига кўрагани қалқон қилган кишиларнинг мурувватпешаликлари тўғрисида ҳеч нарсани оширмай, ҳеч нарсани яширмай айтиб берган.

Офат бирин-кетин зарба бериб турган қийин синов дамида республика аҳолиси саросимига тушмади: улар ёнларида бутун мамлакат турганлигини, бу мамлакат одамларни кулфатга ташлаб қўймаслигини билишарди. Тоғдан ситчиб тушётган сув оқими сингари хат ва телеграммалар бутун республикани тўтиб кетди. Бу хат ва телеграммалар ҳамма гўшалардан келарди.

...Одамнинг ватани тугилиб ўсган йўлигагина эмас, шу билан бирга яхши ном қолдирган жойида ҳамдир, деган нақл бор. Бундан бўён озарбайжонлик йигит Рохиб Мамадоновнинг Ватани Грузиядаги Чаладиди қишлоғи бўлиб қолди. Бу ерда, Риони дарёсидан у жонини жабборга бериб, 28 кишини қўтариб қолди. Қарамонлиқ аъёнларини давом этмоқда.



Кишини бардам-бақувват қиладиган ичимликларни тайёрлашга мослаштирилган Мхет вино заводида тайёрланган янги маҳсулот таркибига ҳеч қандай алкоголь аломати йўқ. Унинг лаззати ва хушбўйлиги истеъмолчига манзур бўлади.

СУРАТДА: Тбилисдаги ёнги кафе — кондитерда Мхет заводининг спиртсиз маҳсулоти қизиқиш билан истеъмол қилинмақда.

А. Рухадзе фотоси.

Хикматли гаплар

- Вилдондан бўлак ҳамма нарсани сув билан ювиб тазалаш мумкин.
- Ўз зингининг очиб қўйсанг, бошқарув зингини ома олсан.
- Яхши чечанка болари кўнар.
- Ҳада — ҳаддини талаб қилади.
- Бўзиб ташлаш осон, қуриб кўрич.
- Яхши сўз темир дарвозаларини очидир.
- Кишининг тили унга ҳам шухрат, ҳам бадномлик келтириши мумкин.
- Мухаббат бўлмаган жойда хурсандчилик ҳам бўлмас.
- Меҳрибон хотин яхши ўртоқ ва биродардан афзалдир.

- Меҳмон хурсанд бўлмаса, Меҳмон дилтанг бўлур.
- Ёмон қўшидан кўпуюмчи бўлсанг, унга қара бериб қўй.
- Қарз товуш чиқармас, аммо ухлагша ҳам қўямас.
- Ҳасад қилгандан кўра, тақлид қилган афзал.
- Тақдирга бўйсунган қўл бўлиб ўлар.
- Тишлар — тилининг қўлфида.
- Ёлгонининг оёғи қисқа.

Н. ЖУМАЕВ тўплаган.

Статистика кўзгусида

Грузияда 100 миллатга мансуб 5 миллион 271 минг 600 киши яшамасда. Территорияси — 69,5 минг квадрат метр. Грузия мамлакатда аҳолисининг сони жиҳатидан иттифоқ республикалар ўртасида еттинчи ўринни, территорияси жиҳатдан эса ўнинчи ўринни эгаллайди.

Бугунги кунда республика индустрияси бутун 1920 йилги маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқариши учун атиги ярм кун кириб қилади. Бир ҳафтада ишлаб чиқарилган маҳсулот бутун 1935 йилдаги ҳажми, бир йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот эса урушдан аввалги ҳамма беш йилликда ишлаб чиқарилганидан беш баравар кўпдир.

Мамлакатда етиштириладиган цитрус меваининг 98 процентидан кўпи, чой баргининг 95,5 проценти, узумнинг 11,1 проценти, давлат мева хараджининг 10 проценти Грузияга тўғри келади.

Республикада 5 мингта яқин умумий таълим мактаблари бўлиб, уларда 1 миллиондан кўп ўқувчи таълим олмақда. Дарслар грузин, рус, абхаз, осетин, озарбайжон, арман, грек тилларида олиб борилади. 115 та хуна-техника билим юртида 70 хил касб, дағи ишчилар тайёрлаб чиқарилади. 19 та олий ўқув юртида 88,5 минг студент ўқишмоқда. Грузия олий маълумоти мутахассислари сони жиҳатидан мамлакатда еттинчи ўринни эгаллайди.

Ҳар йили 300 та санаторий, дам олиш уйлари ва пансионатларда 500 мингдан кўп киши хордиқ чиқаради.

Ҳозир республикада 4 мингтадан кўп оммавий кутубхона бор. Уларнинг китоб фонди 30 миллион нусхага боради.

Бугунги кунда Грузияда 32 профессионал ва 50 дан ортиқ халқ театrlари ишлаймоқда. Совет ҳокимияти йилларида «Грузияфильм» киностудияси 500 тадан кўп тўлиқ метражли фильмларни суратга олди.



Тбилисда «Сабуртало» савдо-сотиқ кооператив ташкил этилди. Бу кооператив деҳқонлардан қишлоқ хўжалик ноз-неъматларини сотиб олиб, уларни реализация қилиш билан шугулланади. Бу ерда Жанузб шахарларининг бозорларига хос бўлган гўшт, пишлок, асал, ошқўч, сабзавот ва мева-яил бозор нархидан анча арзон баҳода сотилимоқда.

СУРАТДА: Гардабан районидagi Табахмела қишлоғидан келган колхозчи Н. Мгалоблишвили катта сотувчи Ш. Мамадиянга ўзи тайёрлаган пишлокни комиссия баҳосида топширмақда.

М. Шламов, Г. Киквадзе фотоси.

Грузия табассуми

Чечакзор даладар бунчалар гўзал! Ўтлоқлар шеърлидир, қирлар хушқаво. Пахтасиз даладар бағридан бу гал Уч «дарвини» тингладик бир савту наво. Зулумот шовуллаб қўйлаган чоғлар Грузиястон ётади тинч, беҳавотир: Тасмал — сўқмоқли, ўрмонли тоғлар Йўлбарс терисини ёпган баҳодир! Юракдан қўшиқлар оқаверар шўх, На ушшоқ, на фирзу ва на суворга; Гўё бош устида бирон бало йўл, Гўё том бошида фақат — тоғора! Дўстлар йироқдир. Зўғумлар бошлаб, Яққалаб қўямасми қўли баландлар?... Бешафат ҳақиқат юртини ташлаб, Афсонага келдик учта «қаландар!» Бағдр тупроғида туғилган шеринг! Нарасини кўнгида туйиб, девона.

Дардини бағрига босиб ўз ерининг, Кезди Усмон Азим масрур, мастона. Кўра соҳиллари майсазорида Тунда почалари сиғириб шабнам, Гўрур, ориятининг пок диёрида Кезди Шавкат Раҳмон, ой билан ҳамдам. Ўзбеки туйғулар ичра, кентларда, Чўллар тебларини худбин гумонлар: Бу яшил даргоҳда кўнган зотлардан Кимни ёд этаркин олс замонлар?... Икков кезаверди ёд кўчасида — Аждодлар йўл кетган тупроққа тандош. Мен эса... тоғнинг ёш шаҳарчасида Тўтқун бир айиққа тўтинидим ғамдош. Мен эса... ўғар ҳис туйиб жонимда, Бесовта айиққа ёлбордин тақдор: «Ўқириб қўйлайвер меннинг ёнимда Ғамгин гуржи қўшғини, дилдор!»

Мирза КЕНЖАБОВЕ.

1В. В. Маяковский назарда тутилади.

2А. С. Пушкин сатри.

● Атоқли грузин шоири М. Пощишвили 1935 йилда туғилган. Республика Ленин комсомол мукофоти лауреати. Ўзбек тилида «Ишонч» номли шеърли тўплами нашр этилган.

Морис ПОЦХИШВИЛИ

Қ ў р қ у в

Эшик очилиб бирдан Шипирлади кўча-қўй. «Бўри келдими қирдан?» — Тинирлади она қўй. «Тунгандир девор ошиб Очофат йирткич шоқол» —

Мирзаз АЪЗАМ таржимаси.

Кахетия

Гўзал Кахетия, мовийранг маскан, Узумзор боглару тоғлар диёри. Оғушнинг мангу ихтиёр этган, Табиятининг сира сўлмас баҳори. Хайрибод оқди тошқин Алазан, Асрий бу заминга бахш этиб ҳаёт. Деҳқон тош устида яратар чаман, Унга писанд эмас селу гирдибод. Бу юрт тарихи ҳам еридек қадим, Қалъаю эҳромлар гувоҳдир бунга. Ёвлар қаршида бужмаган қаддин, Талпиниб яшаган у ёрув кунга. Бунда Руставели излари бордир, Тарихдан элчидек турар Икалто!

1. Икалто — XII асрда академия ташкил этилган жой

Достон бўлар эди жунгли ва оғир, Қабрдаги хочлар беролса савдо. Энди боши узра парвоза офтоб, Грузиястоннинг гўзал гўшасидир у. Қўзларда жўшар тиллолар шароб, Ўзининг кўксига дўстлик шан тўйғу. Узору яқиндан кутаркан меҳмон, Кавказча лаҳжада бошлар шўх калом. Неъматлардан тўлар сакхй дастурхон, Ҳар неки муқаддас кўтарилар жом. Қўй, дўстим Отари, қўлбола майдан, Биродарлик учун нимоқ айб эмас. Омон бўлсин бизга бахт берган Ватан, Шу ажиб тўйғудан майли бўлсан маст.

Носир МУҲАММАД.

Қуёшни... ишга олдилар

Москва, Украина, Ўзбекистондан «Қуёшни юборинг...» деб сўрашяпти. Сочи, Узоқ Новосибирск, қархотон Ёкутистондан ҳам шундай илтимослар тушяпти. Ҳамма хатлар битта адрестга: Грузиядаги «Спецгелотепломонтаж» бошқармасига юборилган. Айни шу бошқарма қуёшдан фойдаланувчи қурилма ясаб, унга янги-янги харидорлар топмақда.

Грузия ССР халқ хўжалиги ютуқлари павилионида галати бир экспонат бор. 30 градус бурчак ҳосил қилиб, одгирилган улкан экран айрим секция-коллекторлардан иборат бўлиб, телевизорларнинг зангори экранларига ўхшаб кетади. Ҳар бир секция ойнаси остида радиатор ўрнатилган. Умумий рама, трубалар, сув тўлғазилган қозон қурилмани бир-бирига боғлайди. Қуёш мана шу гедеоустановкани ишлатади.

— Қурилмани монтаж қилиб бўлиб, системани ишга солсангиз иссиқ сув туша бошлайди ва қўнглингиз яйраб кетади, — дейди бошқарма Тбилисис участкасининг бошдиги Тамаз Хурчилава.

Тбилисда, коллекторлар ясалдиган ишлаб чиқариш территориясида гедеоустанова бор, ишчилар ундан фойдаланиб туришяпти. Ишлаб чиқариш мудри Руслан Карагезов жўмранни очиб, тагига қафтини қўяди ва сиз ҳам синиб қўлинг деб тақлиф этади. Жўмрандан 50—60 градус чамаси иссиқ сув тушаётганиди. Душ қабул қилиш, охинонада идиш-товоқларни ювиш учун иссиғи етарли. Гедеоустаномалар урнатилган Тбилисис «электросварка» заводига, Телет чорвачилик комплексида ва бошқа жойларда ҳам янгиликдан ҳамма хурсанд. Гаградаги Челюскинчилар санаторийсида дам олувчилар оддий душ суви эмас, балки қуёш нури воситасида иситилган сув душчи олаётганликлари билмасликлари ҳам мумкин. Бу ердаги ипподром ва стадионда ҳам қуёш тўхтамай ишлаб, қозонхона ўрнини босмоқда ва ҳавони тоза сақламоқда.

— Грузияда ўрнатилган 18 минг квадрат метр қуёш коллекторлари бир йилда қанча шартли ёнглиг тежашини биласизми? 2200 тонна ёнглигини тежайди. Республика шу йн йиллик охиригача қуёш нуридан фойдаланиш ҳисобига 40 минг тонна шартли ёнглиг тежайди, — дейди «Қуёш» идорасининг бошдиги, фан кандидати Нугзар Меладзе. Ҳозирдаёқ янги қурилмаларни ишлаб чиқаришга киришди.

— Қуёш нури гедеоустановкани иситгани сингари Тбилисис, Москва, Киев энергетиклари, Ленинград оптиклари-нинг роғлари бизга мадад бермоқда, — дейди ҳамсўхбатимиз Н. Меладзе.



СОЦИАЛИЗМ ВА ТИНЧЛИК—ЭГИЗАК

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан Жаҳон Тинчлик Кенгашининг қарорига биноан 1 сентябрь жаҳон Тинчлик куни сифатида нишонланди. Бу тадбир 72 давлатни ўз гирдобига олган иккинчи жаҳон уруши бошланган кун йиллиғида ўтказилаётир. Халқлар бу урушда Германия фашизми ва Япония милитаризми устидан оғир машаққатлар авазига галаба қозондилар. Уруш 55 миллион кишининг, шу жумладан 20 миллиондан кўпроқ совет гражданининг ёстигини қўриди.

Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги давр сабоқлари инсониятга тинчликка ўз-ўзидан эришиб бўлмаслигини қатъий эслатиб туради. Тинчлик учун курашмоқ керак. Инсон зоти ўзини-ўзи қиргин қилиш ёки ўзини-ўзи сақлаб қолиш проблемаси олдида келиб қолган ҳозирги пайтда тинчлик учун куралиш аиниси мумкин. Иро-космик эрасининг реаликлари халқаро ва давлатлараро муносабатларни тубдан қайта қуришни, бу муносабатларни ядровий ҳа-локат хавфини тугатиш заруратида мувофиқлаштириб олишни қатъий талаб қилмоқда. Одилона ва хавф-хатарсиз дунёнинг янги сиёсий концепциясини ишлаб чиққан ҳамда «Халқаро хавфсизлик ялли системасининг принципал асослари»ни татрирлаб берган КПСС XXVII съезди бу макс-адларга қандай қилиб эришиш мумкин? — деган саволга жавоб берди. Бу програм-мани турмушга табиқ этиш соҳасидаги иш ўз миёсига ва характери жиҳатидан шу қадар муҳимдирки, уни ҳа-ли равишда Октябрь ре-волюцияси буюк зафарлари-нинг ҳозирги шароитдаги давоми, дейиш мумкин. Ҳо-зир жаҳон ақли шу револю-циянинг 70 йиллигини ни-шонлашга тайёргарлик кўр-моқда.

«Россиядаги социалистик революция» деб ёзди халқаро ишчилар ҳаракати-нинг таниқли арбоби С. Еси-хара (Япония), — социал-иқтисодий тараққиётнинг, инсонни инсон эксплуатация-қилишдан холи бўлган жа-миятни барпо этишнинг ян-ги йўлини дунёга кўрсатиб берди. Октябрнинг акс-садо-си ҳозир ҳам Ер кураеси-даги миллион-миллион ки-шилар қалбига яхши кел-жак умидларини, урушлар-сиз, ядро қуролсиз дунё-ни барпо этиш умидлари-ни уйғотмоқда...

Улғу Октябр машъали халқлар учун тинчлик ва хавфсизлик йўлини ёритмоқ-да. Унинг нурида иккинчи жаҳон урушининг фожиа-литина эмас, шу билан бир-га фашизм ва милитаризм харабаларида жаҳон соци-ализм системаси вужудга кел-ганлигидан иборат муқаррар тарихий факт яққол кўри-

ниб турибди, бу система жа-ҳон тараққиётининг етакчи кучига айланди. Жаҳон са-ноат маҳсулотининг 40 про-центидан кўпрогини социал-изм мамлакатлари ишлаб чиқармоқда. Иқтисодий ўсиш суръатлари жиҳатидан соци-алистик ҳамдўстлик ривожланган капиталистик мамлакатлардан доимо ил-гарилаб бормоқда. 1981—1985 йилларда ҳамдўстлик мамлакатлари ўз миллий даромадини ва саноат маҳ-сулоти ҳажмини 18 процент, қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳажмини 11 процент кўпай-тирдилар. Бу ўсиш суръат-лари капиталистик давлат-лардаги ўсиш суръатларидан бир ярим ҳисса юқоридир.

Янги ўтмишда йўл қўйил-ган хато ва камчиликлар натижасида иқтисодий ўсиш бироз секинлаша бошлаган-лиги барча иқтисодий муно-сабатларни тубдан қайта қу-риш давомида муваффақият-ли равишда бартараф этил-моқда, бу қайта қуриш мам-лакатимизнинг ўз тараққи-ётида сифат жиҳатдан янги босқичга кираётганини бил-диради. Бу революцион нара-ён бутун дунёда совет жа-миятининг Октябр йўлидан муваффақиятли равишда ол-га силжётганини кўрсату-чи яққол далил, деб ҳисоб-ланмоқда.

Ҳозир биз бошқа социал-истик мамлакатлар билан биргаликда халқаро хавф-сизликнинг кенг қамровли системасини барпо этиш учун ўз миёсидан жиҳати-дан мислсиз курашни авж олдириб, Лениннинг Сулҳ тўғрисидаги декретига қай-та-қайта назар ташлаямиз, бу декретда Октябрнинг даст-лабки кунларидаёқ одилона демократик тинчликнинг ўз-замони учун тўл концепция-си ишлаб чиқилган эди.

Сулҳ тўғрисидаги декрет каби бизнинг ҳамма учун хавфсизлик программаси ҳукуматларига қаратил-ган бўлмай, халқларга ҳам қаратилгандир. Шундай про-граммани ишлаб чиқиш тўғ-рисидаги масалани Совет Иттифоқи ва бир группа со-циалистик мамлакатлар 1986 йилда БМТ Бош Ассамблея-сининг 41-сессияси мухока-масига тақдим қилган эди-лар. Бош Ассамблея халқ-аро хавфсизликнинг кенг қамровли системаси концеп-циясини маъқуллади ҳамда 15 сентябрь кўни Нью-Йорк-да очилдиган 42-сессияда мухокама қилишни давом эттиришни талаб қилди.

Ер кураесидаги тинчлик-севар кучлар мамлакатимиз-нинг йигирманчи аср охи-рларида жуда ўткир бўлиб турган халқаро сиёсатнинг энг муҳим масалаларига ён-дашувда ленинча анъаналар ва ленинча новаторлиққа со-диқлигини юксак қадрламоқ-да.

Геннадий ШИШКИН



Гардая шахри Жазонининг энг катта шаҳарларидан бири ҳисобланади. Асрлар бўйи унинг аҳолиси савдо билан шугул-ланган, сабзавотлар етиштириб келган, турли хўнаранди-лик ишлари билан машғур бўлган. Бу ерга фақат Жазон-нинг шимолқандагига эмас, балки қишги ўлкалардан ҳам сав-до ахллари келиб туришяпти. Саноати ҳам ривожланган. Қувур прокати заводидан ташқари ҳунар-техника марказ-лари, коллежлар ишчи ва мутахассислар тайёрламоқда. Турар жой қурилиш кенг майдонда олиб бориляпти. Бу ерда юз йиллаб қад кўтариб турган қўлпа уйлар бор.

СУРАТДА: Гардая майдонларидан бирини.

Мурожаатнома БМТда тарқатилди

НЬО-ЙОРК. КПСС Мар-казий Комитети Бош сек-ретари М. С. Горбачевнинг ку-роқисилишни билан ривожла-ниш ўртасидаги узрар алоқа-га бағишланган халқаро кон-

ференция қатнашчиларига йўллаган мурожаатномаси халқаро конференциянинг расмий ҳужжати сифатида Бирлашган Миллатлар Ташки-лотига тарқатилди.



Калейдоскоп

ҲАВО ВАРРАКЛАРИ НАМОЙИШИ
Индонезиянинг Бари оролидаги пляж узра ик-ки кун давомида антиқа «қушлар» чарх уришди. Бу ерда бўлиб ўтган ҳа-во варраклари фестива-лида уларни ясоғчи 76 уст ва минглаб томоша-бинлар ништорик этишди. Улкан қорозли капалак фестивал голибон деб то-пилди. Голиб келаси йил халқаро фестивалда қат-нашши ҳуқуқига эга бўл-ди. Капалакни самотга қу-тарш учун бир неча ки-ши жалб этилди. Чунки капалак думининг ўзи 30 метрни ташкил этар-ди.

Варрак қўйиш билан индонезиялик ҳар бир бо-ла қизиқади.

Сўнгги йилларда бола-лар варраклари ҳақиқий экспортга айланди. Ранг-ли қороз ва бамбуқлардан қилинган эртаскисмон қушлар, самолётлар жа-ҳоннинг турли чеккалари-га юборилмоқда.

6 ЙИЛ ИЧИДА 1000 ТА БАССЕЙН

Кейинги олти йил ичи-да КХДР да мингта бас-сейн қурилган. Республи-када аҳолининг сузишга ў-ратиш компаниясини кенг тар-қат ўтказилмоқда. Бундан ташқари сув спор-ти турлари кўп жойларда тарғибот қилинмоқда.

